

## Савдо молининг олдини тўсиб чиқиш ҳаромдир



16:09 / 17.11.2018 2955

Савдода ҳаром қилинган ишлардан яна бири бозорга келтирилаётган савдо молининг олдини тўсиб чиқиб, арзонга олиб, қимматга сотишдир.

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам савдо молларини бозорларга тушмасидан олдин тўсиб чиқишдан қайтардилар».**

*Аҳмад ривоят қилган.*

Ушбу ҳадиси шарифда бозор қоидаларидан яна бири баён этилмоқда. Бозор атрофида айланиб юриб, осон йўл билан бойлик орттириш мақсадида нарх-навонинг ўсишига сабаб бўладиган кишиларнинг иши

нотўғри экани баён қилинмоқда.

Яъни бу «Ташқаридан бозорга ўз маҳсулотларини сотгани олиб келаётганларнинг олдини тўсиб чиқиб, бозордаги нархни билмасларидан олдин арзон-гаров сотиб олманглар», деганларидир.

Жоҳилият даврида шундай қиладиганлар бор эди. Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ўзлари: «Биз улов минганларнинг олдини тўсиб чиқиб, бозорга келмасларидан олдин таомларини сотиб олар эдик», деганлар.

Саҳрода, қишлоқда яшайдиган кишилар одатда бозордаги нархдан яхши хабардор бўлишмайди, савдо-сотик ишларида шаҳар аҳолиси каби устомон ҳам бўлишмайди. Шунинг учун йўлини тўсиб чиқиб, молини сотиб олмоқчи бўлган одамга арзонга сотиб қўйиши мумкин. Натижада у ҳам, бозорга келадиган оддий кишилар ҳам зарар кўрадилар.

Аммо бозорга келиб, вазиятни ўз кўзи билан кўриб, мулоҳаза қилиб сотгани яхши бўлади. Агар бир киши ўз молини олдини тўсиб чиққан чайқовчига сотса-ю, кейин бозорга келиб, нарх-навони кўриб, айтиб қолса, молини қайтариб олишга ҳаққи бор.

***“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан***